



БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Абдухалилов Хожиакбар Дилмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси, катта
лейтенант

Валиев Ботиржон Бакирали ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-курс 319-гурух
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11200068>

ARTICLE INFO

Received: 9th April 2024

Accepted: 11th May 2024

Published: 15th May 2024

KEYWORDS

Босқинчилик жинояти,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси, жиноят
субъектлари, жиноят содир
етган шахс, соҳавий
хизматлар,
такомиллаштириш, чора-
тадбирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилган.

Мулкка тажовузнинг оғир шаклларида бири босқинчиликдир. Босқинчилик жамият хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир ўтказиши. Бу эса ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, хусусан, босқинчилик жиноятларининг самарали профилактик чора-тадбирлари, усул ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тақозо этади. Ғараз мақсадларда, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар орасида, босқинчилик ўзининг ижтимоий хавфлилиги даражаси юқорилиги билан ажралиб туради ва жамият хавфсизлиги, тинчлигига раҳна солувчи ижтимоий хавфи катта бўлган салбий ижтимоий иллатлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддасида босқинчилик жиноятининг тушунчаси берилган бўлиб, унда ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида хужум қилиб, ҳаёти

ABSTRACT

Ушбу мақолада босқинчилик жинояти умумий тушунчаси, жиноятни олдини олиш масалалари, профилактика тушунчаси, хуқуқбузарликлар профилактикаси нимага йўналтирилганлиги, профилактика бўйича фаолият қандай чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига қамраб олганлиги, хуқуқбузарликлар профилактикаси ким томонидан амалга оширилиши, қонунчиликка “хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари” тушунчасини киритиш таклифи киритилиб, тушунча лойиҳаси муҳокама қилинган

ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган тажовуз босқинчилик дейилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, босқинчилик жиноятлари қуйидаги сабаб ва шарт-шароитлар таъсири остида содир этилади:

а) ҳуқуқий онг ва маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, мақтанчоқлиги (уй-жойи, мол-мулки ва унинг миқдори ҳақида мақтаниш);

б) оила шароитида, иш, ўқиш ва яшаш жойларида ғаразли мақсадларнинг шаклланиши;

в) молпарастлик, мол-дунёга ўчлик, тезроқ бойишга иштиёқ ва очкўзликнинг мавжудлиги;

г) жамиятдаги ижтимоий-маънавий камчиликлар;

д) тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслиги ва х.к.

жиноят содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга етарлича аҳамият беришмаяпти. Бунга сабаб сифатида:

ишлаб чиқилган тадбир доираси етарли даражада кенг тармоқли эмаслиги,

тадбирга кенг соҳавий хизматлар иштироқи доирасининг таъминланмаганлиги,

жиноят содир этишга уринаётган шахсларнинг бу йўлдан қайтаришга қаратилган ҳаракатларнинг тадбир режасига киритилмаганлиги каби ҳолатларни айтиб ўтишимиз мумкин. Таклиф сифатида амалга оширилаётган тадбирлар доирасини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида юқоридаги вазифаларни ҳам режа доирасига киритиш лозим. Бунинг учун эса қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш, яъни тадбир доирасидаги режага қуйидаги вазифаларни амалга ошириш :

Профилактика хизматлари ходимлари томонидан босқинчилик жиноятини содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини аниқлаш рўйхатини юритиш ва профилактик ишлар олиб бориш;

Тезкор-қидирув хизматлари томонидан бу турдаги жиноятларни содир этиб, жавобгарликдан кўчиб юрган шахсларнинг ялпи қидирувини ташкил этиш ва ушлаш чораларини кўриш;

Тергов хизматлари томонидан тезкор-қидирув натижасида тезкор-қидирувларни тергов қилиш жараёнида уларни содир этган жиноятини бўйнига қўйиш ва қонун олдида жавобгарлигини таъминлаш билан бир қаторда жиноятга имкон берган, шароит яратиш берган ва содир этишга ундаган омилларни асосий вазифалардан бири сифатида аниқ равишда белгилаш, бартараф этиш юзасидан профилактика хизматларига топшириқ ва кўрсатма бериш;

Босқинчилик жиноятини содир этиб, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, пробация ходимлари томонидан бу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга оширади;

Бу тадбир давомида босқинчиликка оид ҳуқуқбузарликларни содир этган ва ЖИЭМдан озод этилган шахсларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган махсус комиссиялар билан ҳамкорликда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш ёки жазолаш тўғрисида тақдимнома ва таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Босқинчиликка қарши курашда ихтисослашган тезкор ходимларнинг сўровига кўра, босқинчилар шахсий қуйидаги хусусиятларига ега бўлади:

- мулоқот;
- одамлар билан тезда алоқа қилиш қобилияти;
- риоя қилиш;
- ташкилий кўникмалар;
- аниқлаш;
- одамларнинг сиз билан бирга бўлиш қобилияти;
- эҳтиёткорлик;
- одамларни тушуниш қобилияти;
- мулоҳазакорлик;
- равшанлик, қобилият. ихтирочилик;
- мураккаб ва тез ўзгарувчан муҳитда ҳаракат қилиш;
- муайян ролларни бажариш қобилияти;
- дабдабалик, ривожланган тасаввур;
- ноқонуний фаолиятга қарши курашиш, жиноятлар содир этиш тажрибаси;
- Олдинги судланганлик;

криминоген муҳитда хизмат шахслар, оператив қизиқтирган шахслар концентрацияси жойларга ташриф билан барқарор алоқаларни таъминлаш.

Босқинчиликка қарши курашда, ундан жабрланиб қолмаслик чораларини қўллашда АҚШ, Исроил каби ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда кўни-қўшнилари мулкларининг дахлсизлигини таъминлаш, оилавий-маиший муаммоларига барҳам бериш ва ўзи янгиланаётган жойда хавфсиз ҳудуд барпо этилишида ҳисса қўшиш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш ва зарур хабарларни бериш билан шуғулланувчи "Огоҳ маҳалла" жамоатчилик тузилмасини ташкил этиш, ҳар бир маҳаллада ушбу жамоатчилик тузилмаси фаолиятини йўлга қўйиш тарғиб этилади[1].

Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятига ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан қарши курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш, ҳар бир жиноятчиликка қарши курашишнинг адолати ва ҳақиқатини таъминлаш асосий талаблардан бири сифатида қўйилмоқда. Айниқса, содир этилган ҳар қандай жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жиноятлардан жабрланганларга зарур ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бу борада кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек соҳага илғор тажрибаларни жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, босқинчилик жиноятларининг олдини олишдаги асосий йўналиш умумий ижтимоий миқёсдаги иқтисодиётнинг бир маромдаги ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, халқнинг маънавий анъаналарини юзага чиқариш ва ривожланиш каби тадбирлар билан узвий боғлиқдир.

Шу боис, босқинчилик жиноятларининг олдини олишда виқтимологик профилактика чораларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, босқинчилик жиноятларининг олдини олишдаги асосий йўналиш умумий ижтимоий миқёсдаги иқтисодиётнинг бир маромдаги ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, халқнинг маънавий анъаналарини юзага чиқариш ва ривожланиш каби тадбирлар билан узвий боғлиқдир. Шу боис, босқинчилик жиноятларининг олдини олишда виктимологик профилактика чораларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нарзиев Ш., Олимжонов Ж. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг тушунчаси //Иновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 13-18.
2. Нарзиев Ш., Узакбергенова У. Профилактика инспекторининг ташкилотлар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик йўналишлари //Science and innovation in the education system. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 5-8.
3. Киличев Х. М. Вояга етмаган болаларнинг исмга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 63-67.
4. Нарзиев Ш.З. Профилактика инспекторларининг илгари судланган шахслар билан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш фаолияти ҳақида айрим масалалар //zamonaviy fan, ta'lim va ishlab chiqarish muammolarining innovatsion yechimlari. – 2022. – С. 159-162.
5. Маматович Қ. Х. Фуқаролар йиғинлари уни қайта ташкил этишга оид мулоҳазалар //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 764-769.
6. Нарзиев Ш., Зокиров Н. Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолияти бўйича айрим мулоҳазалар //Международная конференция академических наук. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 73-78.
7. Қиличев Х. Маҳалла фаолиятини ташкил этишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 265-267.
8. Норбутаев Э., Позилжонов А. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида айрим мулоҳазалар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 48-53.
9. Қаршиев А. Ўрта асрлардаги тезкор-қидирув тадбирларини айрим жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 180-187. Каршиев А.М. К вопросу о понятии «оперативная комбинатсия» //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 68-71.
10. Каршиев А.М. и др. Нормативно-правовая регламентация обеспечения компьютерной безопасности информационных систем в республике узбекистан //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 77-82.
11. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Некоторые вопросы дальнейшей либерализации лицензионно-разрешительных процедур для отдельных видов деятельности //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.